

“ТАВАРИХ-И ГУЗИДА – НУСРАТНОМА” АСАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРУВЧИ МАНБА СИФАТИДА

Бекмурадов Санжар Турсунмаматович

Тошкент амалий фанлар университети
катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

“Таварих-и гузида – Нусратнома” чигатай туркий тилида ёзилган ва Шайбонийхон тарихига багишланган аноним манба. Асар муаллифи борасида тадқиқотчилар ўртасида турли баҳслар мавжуд. Баъзилар уни Баҳауддин Валид, баъзилар Муҳаммад Солиҳ деб ҳисоблайдилар. Бироқ муаллифининг кимлигидан қатъий назар ушибу китоб Марказий Осиё ҳалқлари тарихини баён этувчи қимматли асарлар сарасидан. Мазкур мақолада айнан унинг муаллифи, нусхалари ва таркибий қисмлари ҳақида сўз кетади.

Калим сўз: “Таварих-и гузида – Нусратнома”, Моварауннаҳр, Чингизхон, Шайбонийхон, Муҳаммад Солиҳ, Амир Темур ва темурийлар, Абу Талиб ал-Хусайнин.

АННОТАЦИЯ

“Таварих-и Гузида – Нусратнама” – анонимный источник, написанный на чигатайском тюркском языке и посвященный истории Шайбани-хана. Среди исследователей существуют различные споры об авторе этого произведения. Одни считают его Баҳауддином Валидом, другие – Мухаммадом Салихом. Однако, независимо от личности автора, эта книга является одним из ценных трудов, описывающих историю народов Центральной Азии. В данной статье рассказывается о ее авторе, экземплярах и составляющих.

Ключевые слова: “Таварих-и Гузида – Нусратнама”, Моварауннаҳр, Чингисхан, Шайбани-хан, Муҳаммад Салиҳ, Амир Тимур и Тимуриды, Абу Талиб аль-Хусайнин.

ABSTRACT

“Tavarikh-i Guzida – Nusratnama” is an anonymous source written in Chigatai Turkic language and devoted to the history of Shaybani-khan. There are various disputes among scholars about the author of this work. Some consider him as Bahauddin Walid, others as Muhammad Salih. However, regardless of the identity of the author, this book is one of the valuable works describing the history of the peoples of Central Asia. This article is about its author, copies, and components.

Keywords: “*Tawarikh-i Guzida – Nusratnama*”, *Transoxiana*, *Genghis Khan*, *Shaibani Khan*, *Muhammad Salih*, *Amir Timur and the Timurids*, *Abu Talib al-Husayni*.

КИРИШ

“Таварих-и гузида – Нусратнома” (“Танланган ҳикоялар – Ғалабанома”) XV-XVI асрлардаги ўзбек ва бошқа Марказий Осиё халқларининг тарихи, этнографияси, санъати, тили ва адабиётига оид қимматли манбадир. Ушбу асар ўзбек тили ва адабиётининг шаклланиш ҳамда ривожланиш тарихини ўрганувчи филолог ва тильтунос олимлар учун хусусан мўғуллар, темурийлар, айниқса шайбонийлар даврини ўрганишда тарихшунос, манбашунос олимлар учун зарурдир. Боиси, ушбу ёдгорлик ҳали мутахассислар томонидан етарлича ўрганилмаган ва тадқиқотларга жалб этилмаган.

XX асрнинг 60-йилларида матншунослик тадқиқотлари, матн ва композиция тарихини, унинг барча мавжуд бўлган нусха ва қисқартирилган варианtlарини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, “Таварих-и гузида – Нусратнома” дастхати бизгача етиб келмаган. Фақат шарқшунос олим Анвар Акрамовнинг кейинчалик амалга оширган танқидий матни муаллифникига озми-кўпми яқинлиги ҳақида эътирофлар мавжуд¹. У асарнинг барча нусхаларини ўрганиб сўнг тайёрлаган қиёсий матни асосида 1965 йилда номзодлик ишини ҳимоя қилди². 1967 йилда эса асарнинг факсимиесини нашр этди. В.П.Юдин томонидан ҳам парчалар “XV-XVII асрлар қозоқ хонликлари тарихи бўйича материаллар (Форс ва туркий ёзувлардан кўчирмалар)” тўплами учун таржима қилинди ва нашр этилди³. Бундай ҳажмдаги тадқиқотларга қарамай муаллиф дастхати анча катта ва узокроқ вақтни қамраб олганлиги ҳақидаги қарашлар ҳали ҳам мавжуд. Зеро, бу Шайбонийхонга бағишланган тўлиқ расмий асар эди.

Маълумки, асар Шаёбонийхоннинг Бухоро ва Самарқандни босиб олгач унинг буйруғи билан ёзилган. Китобнинг биринчи қисмида турклар ва Чингизхоннинг аждодлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Мазкур қисмдаги маълумотлар учун Жувайний, Рашид ад-Дин асарларига таянилган. Бундан

¹ Таварих-и гузида-Нусрат-наме / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. наук А.М.Акрамова. – Т.: Фан, 1967. – 630 с.

² Акрамов А.М. Таварих-и гузида - Нусрат-наме: Сочинение анонимного автора XVI в.: Автореферат дис. на соискание учен. степени кандидата филол. наук / АН УзССР, Ин-т востоковедения им. Абу Райхана Бируни. – Ташкент: Наука, 1965. – 23 с.

³ Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (извлечения из персидских и тюркских сочинений)/ ответственный редактор Б.Сулейменов. [Ч. 1]. – Алма-Ата, 1969.

ташқари, муаллиф ушбу бўлимда Улугбек қаламига мансуб “Тарих-и арба-и улус” (“Тўрт улус тарихи”) асаридан ҳам фойдаланганлиги ҳақида билвосита асарнинг ўзидан билишимиз мумкин. Шайбоний Мовароуннахри забт этилишидан кейинги давр айниқса батафсил ёритилган. Китоб 1504 йилда Шайбонийнинг фатҳ этилиши воқеалари билан якунланади, унинг асосида 1505 йил тугайди.

Таркибий жиҳатдан ҳам, композицион жиҳатдан ҳам китоб бир қатор шунга ўхшаш асарларни яратишда намуна бўлиб хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Ўзбекистон тарихининг XV аср охири - XVI аср бошларидағи тарихига оид кўплаб асарлар мавжуд. Жумладан, Муҳаммада Солиҳнинг “Шайбонийнома”, Мулла Шодийнинг “Фатҳнома”, Рузбекхоннинг “Меҳмоннома-и Бухоро”, Камолиддин Бинойнинг “Шайбонийнома”, Муҳаммад Захириддин Бобурнинг “Бобурнома” ва бошқалар. Юкоридаги қимматли асарлар фанда турли даражада ўрганилган.

“Таварих-и гузидаги – Нусратнома” ҳам шулар қаторида Марказий Осиё тарихини хусусан, мўгуллар тарихи, темурийлар даври тарихи ва Шайбонийлар сулоласи ҳақидаги қимматли асарлар сарасига киради ҳамда тадқиқотчилар ўртасида катта қизиқиш уйғотади. Шу боисдан, мақолада асарнинг 1967 йилда шарқшунос Анвар Акрамов томонидан амалга оширилган қиёсий матни ва факсимилиясига таянилган ҳолда ҳамда Англия ва Россияда жойлашган нусхалари асосида тадқиқот олиб борилади. Шунингдек, мавзуга доир хорижий ва маҳаллий тадқиқотлардан ҳам фойдаланилади, таҳлил этилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Китобнинг қисқартирилган варианти 1849 йилда И.Н.Березин томонидан туркий тилда нашр этилган. Унинг тузувчиси Алла Мурод Аннабой ўғли бўлиб, ўзини қўнғирот уруғидан бўлган ўзбекман деб танитган. У 1815 йилда Бухорода қисқартирилган вариантини тузган.

Илк бор асар ҳақида В.В.Бартольднинг Амударё тарихи масаласига доир тадқиқотларида учрайди⁴. Шунингдек, ушбу ҳақида академик Карл Германович

⁴ Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Том пятнадцатый. 1902-1903. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1903. – С. 183-184, 186.

Залеман⁵ ҳам ўзининг изланишларидан келиб чиқиб қисқача таъриф бериб кетади⁶.

Маҳаллий тадқиқотчилардан Р.Г.Муқминова⁷, С.А.Азимжонова⁸, Б.А.Аҳмедов⁹, С.К.Ибрагимов¹⁰ ҳамда А.М.Акрамовларнинг изланишлари орқали асар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Аммо булардан фақат А.М.Акрамов асарнинг матншунослигини тўлиқ тадқиқ этган ва айниқса, унинг бугунги кунда тўлиқ ҳисобланган Лондоннинг Британия музейида сақланаётган нусхасидан фойдаланган.

“Таварих-и гузида – Нусратнома” (تاریخ کریمہ نصرت نامہ) Чигатой туркий тилида ёзилган ва ўзбек давлатининг асосчиси бўлган Шайбонийхон (1451-1510) тарихига бағишланган аноним асар. Унда Чингизхон ва унинг авлодларининг Шайбонийхонгача бўлган нодир тасвирланган тарихи акс этган. Асарнинг асл матни ҳижрий 908 (милодий 1502-03¹¹) да ёзилган бўлса-да, “Таворих-и гузида” номи билан ҳам машхур бўлган асар муаллифи номаълум. Бу борада тадқиқотчилар ўртасида турли бахслар мавжуд. Баъзилар асар муаллифини Мавлави Жалолиддин Румийнинг ўғли Аҳмад Бахауддин Волид деб билишса, баъзилар шахсан Шайбонийхоннинг ўзи деб қарайдилар. Жумладан, Р.Г.Муқминова ҳам шу фикрни илгари сурган. Бироқ А.М.Акрамов асарга замондош қўлёзмаларини тадқиқ этгач кўпроқ Шайбонийхонга яқинроқ бўлган Муҳаммад Солиҳни асар муаллифи деб ҳисоблайди.

Бизнингча ҳам энг маъқул вариант Муҳаммад Солиҳ бўлиб, Аҳмад Бахауддин Волиднинг 1226-1312 йилларда яшаб ўтганини ҳисобга олсак бу таҳмин мутлақо ҳақиқатдан йироқ. Муаллиф Шайбонийхон эканлигига ҳам шубҳа борки, зеро “Таварих-и гузида – Нусратнома”нинг ўзида муаллифнинг Хон хизматига кириши хусусида алоҳида сатрлар мавжуд.

⁵ Муаллиф ҳақида қаранг: <https://iranicaonline.org/articles/salemann-carl-hermann>

⁶ Salemann C. Das Asiatische Museum im Jahre 1890. Nebst Nachtraegen. “Melanges Asiatiques” tires du bulletin de l’Academie des Sciences de St.-Petersbourg, 1894. X, livraison 2. – P. 282.

⁷ Муқминова Р.Г. Борьба за Мавераннахр между тимуридами и шейбанидами: (К истории образования узбекского государства шейбанидов): Автореферат дис. на соискание учен. степ. канд. ист. наук / Р. Г. Мукминова; Акад. наук СССР. Ин-т востоковедения. – Ленинград, 1949. – 14 с.

⁸ Азимжонова С.А. К истории Ферганы второй половины XV в. / Акад. наук Узбек. ССР. Ин-т востоковедения. – Ташкент: Изд-во Акад. наук УзССР, 1957. – 94 с.

⁹ Аҳмедов Б.А. Государство кочевых узбеков / Акад. наук. СССР. Ин-т народов Азии. Акад. наук УзССР. Ин-т востоковедения. – Москва: Наука, 1965. – 195 с.

¹⁰ Ибрагимов С.К. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков: (Извлечения из перс. и тюрк. сочинений) / Сост. С.К.Ибрагимов, Н.Н.Мингулов, К.А.Пищулина, В.П.Юдин; АН Каз. ССР. Ин-т истории, археологии и этнографии им. Ч.Ч.Валиханова. – Алма-Ата: Наука, 1969. – 651 с.

¹¹ Баъзи манбаларда Китоб 1505 йилда ёзилган деб маълумот берилади.

Асарнинг Россияда жойлашган¹² нусхасидаги маълумотга кўра, тарихнинг 1500 йилида Самарқанд Хон томонидан қамал этилган пайтда Мухаммад Солиҳ унинг хизматига қабул қилинган ва юқори лавозимларда фаолият олиб борган¹³.

Асарнинг таркибий қисми ҳақида айтсан, у уч қисмдан (фасл) иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Чингизхоннинг шажараси Алан-Гоадан токи Мухаммад Солиҳга қадар бўлган маълумотларни ўз ичига олади. Бироқ асар бошида уни мунший (котиб) Камолиддин, охирида эса Шайбонийхоннинг амри билан Мухаммад Солиҳ томонидан *шикаста* хатида таҳрирлагани ҳақида айтилади. Худди шундай ҳошиялар ҳам. Бироқ асар эса бошидан охиригача тўлиқ *насталиқ* ёзувида битилган ва Англия ҳамда Россиядаги ҳар икки нусхада Мухаммад Солиҳнинг асар муаллифи эканига ишонч берувчи шеърлар мавжуд. Шу боисдан юқоридаги маълумотлар яна бир бор асар муаллифи Мухаммад Солиҳ бўлишлиги ҳақидаги қарашларни оқлайди.

Таъкидлаш керакки, ўз вақтида тадқиқотчилар асарнинг номини турлича талқин этганлар. Масалан, В.В.Бартольд, Р.Г.Муқминова, Б.А.Аҳмедов ва С.К.Ибрагимовлар *تواریخ کزیده نصرت نامه* (“Таварих-и гузида-и Нусратнома” яъни, “Ғалабалар китобидан танланган ҳикоялар”) деб, К.Г.Залеман ҳамда С.А.Азимжоновалар *تواریخ کزیده نصرت نامه* (“Таварих-и гузида Нусратнома” яъни, “Танланган ҳикоялар – Ғалабалар китоби”) сифатида талқин этганлар. П.Лерх эса шунчаки *نصرت نامه* (“Нусратнома” яъни, “Илоҳий ёрдам китоби”) деган талқинни илгари сурган. Фикримизча, аниқ талқин А.М.Ақрамов таъкидлаганидек, *نصرت نامه - تواریخ کزیده* – “Таварих-и гузида – Нусратнома” (“Танланган ҳикоялар – Ғалабанома”) бўлиши керак. Боиси асардаги маълумотлар ҳамда муаллиф томонидан қўйилган мақсад ҳам шундан далолат беради. Муқаддимадан ҳам шуни кўриш мумкин:

“Аллоҳнинг фақири ...га фармон бўлдиким, Тулухон ўғли Мангухонга бағишиланган “Таварих-и Жаҳонқуши” ва Исломиоҳ Газанхонинг қизига аталган “Таварих-и гузида” ва Улуғбек Мирзо шарафига ёзилган “Мунтаҳаб Жомеъ ат-Таварих”, шунингдек, мўгул баҳишлари томонидан мўгул алифбосида битганларни осон бўлмоқ учун ва форс тилида ёзилганларни туркӣга ўгириб тартиб берилди. Китобга “Таварих-и гузида – Нусратнома” номи берилди. Бу тарих ҳижрий жумаду ал-аввал ойининг 908 йилида жам этилиб битилди.”¹⁴

¹² تواریخ کزیده نصرت نامه – Россия ФА шарқ қўллётмалари институти, № В-745. – 59^a

¹³ Британия музейидаги нусхада ушбу маълумотлар акс этган сатрлар мавжуд эмас.

¹⁴ تواریخ کزیده نصرت نامه – Россия ФА шарқ қўллётмалари институти, № В-745. – 4^b.

Бундан маълум бўладики, муаллиф ўз олдига учта вазифа қўйиб уни бажариш асосида асарни битган. Яъни:

1. Алауддин Ато Малик Жувайнийнинг “Тарих-и Жаҳонкушо” (“Жаҳон фатхчиси тарихи”) асарини, Фазлуллоҳ ибн Абулҳайр Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-Таворих” (“Тарихлар тўплами”), Ҳамдуллоҳ Муставфий Қазванийнинг “Тарих-и гузида” (Танланган тарих) асарларини эски ўзбек тилига таржима қилиш;
2. Мирҳо Улуғбекка бағишлиланган ва шунга ўхшаш қандайдур муаллиф хусусан номини келтирмаган асарларни таржима қилиш;
3. Шайбонийхон тарихини битиш.

Бундан мақсад пайдо бўладики, асар ўз ичига Чингизхон ва унинг авлоди, Темур ва темурийлар шунингдек, Шайбонийхон тарихини олиши керак эди яъни, биринчи ва иккинчи қисм компеляция ва учинчи қисм оригинал тарихни ўз ичига олиши режалаштирилган. Шу босдан, биз асарнинг биринчи қисмида дунёning яралишидан бошлаб тарихи хусусида ва Хурросон, Моварауннаҳр ҳамда Дашиби Қипчоқ ҳудудларида яшаган қадимги қабилалар, уруғлар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Шунингдек, унда Чингизхон ва унинг авлоди шажараси, ҳарбий юрушлари ҳақида маълумотларни ўқиймиз.

А.М.Акрамов таъкидлаганидек, Англиядаги нусхада мўғуллар тарихи тартиб билан кетма-кетлик асосида берилган. Фақат иккинчи қисмдан ўрин олиши керак бўлган Амир Темур ва темурийлар боби биринчи бобнинг ўрталаридан берила бошлайди. Россиядаги нусхада эса тартиб бузилган бўлиб мўғуллар тарихи қўллётманинг турли қисмларига ёйилиб кетган.¹⁵

Иккинчи қисмда ҳам шундай тартиб бузулишини қузатиш мумкин. Ҳар икки нусхада ҳам Темурийларга бағишлиланган қисм сифатида боши ҳам охири ҳам кузатилмайди. Боб Тўхтамишхоннинг Урусхон билан таҳт учун кетган урушидаги мағлубиятидан сўнг Оқ-Ўрдадан Амир Темур томон қочган воқеалардан бошланиб, Темурнинг Хоразмга бўлган юрушлари билан тугалланган. Иккинчи қисм умумий 12-13 йиллик даврни ўз ичига олган.

Учунчи фаслда Абулҳайрхон ўлимидан кейин Дашиби Қипчоқдаги феодал муносабатлар, ички низолар, Шайбонийхоннинг ёшлиқ чоғлари ҳикоялари, акаси Маҳмуд Султон ҳақида, Фарғонага бўлган юрушлар тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, тарихда Шайбонийхоннинг бобоси Абулҳайрхонни кўчманчи ўзбеклар давлатига қўшилиши тасвирланган. Бунда нўғой бийси

¹⁵ Таварих-и гузида-Нусрат-наме / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата наук А.М.Акрамова. – Т.: Фан, 1967. – С. 22.

Ваққоснинг иштироки, у билан ички бўлиниш, манғитлар ва қозоқларнинг Абулҳайрхон авлодларига қарши қураши, Мухаммад Шайбонийнинг нўғой бийси Мусо билан муваффақиятсиз иттифоқи ҳикояси зикр этилади. Яна бу қисмда Шайбонийхоннинг Моварауннаҳр забт этилганидан кейинги даврлар алоҳида тасвирланади. Шунинг билан асар 1504-1505 йилларда Шайбонийнинг Андижонни босиб олиш воқеалари билан якунланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Англия нусхасида воқеалар ривожи бир тизимда берилади, Россиядаги нусхасида эса бунинг аксини кузатиш мумкин. Аксарият холларда хатто баъзи маълумотлар тушиб қолдирилган.¹⁶

Бугунга келиб, асарнинг фанда иккита нусхаси маълум бўлиб, улардан бири Британия музейида № Or.3222¹⁷ ва иккинчиси Россия ФА шарқ қўлёзмалари институтида № В-745¹⁸ рақами остида сақланади.

Англиядаги нусха энг қадимийси хисобланиб, таркибий маълумотларига кўра мавжуд нусхалар ичида энг тўлиғидир. Кўлёзма ҳижрий 970/1562-1563 йилларда Абдуллахон II (1557-1598) ҳукмдорлиги даврида кўчирилган. Маълумки, бу даврда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасида савдо алоқалари ривож топаётган эди. Илёс Низомиддиновнинг тадқиқотлари натижаси ўлароқ асарнинг мазкур нусхаси элчилар ёки савдогарлар орқали аввал Ҳиндистонга ва кейинчалик Англияга бориб қолгани тахмин этилади.¹⁹

Англиядаги нусхада 1^a саҳифасида тўрт бурчакли муҳр ва қўлёзма эгасига ва даврига ишора бор. Эгаси Абу Толиб ал-Хусайнин ва ҳижрий 1059 йил каби. Муҳр устида “Бахтлиларнинг мулкидан” деган ёзув ўрин олган.

Ал-Арзий тахаллуси билан танилган ал-Хусайнин Ҳиндистонда бобурий Шохжаҳон (1623-1659) даврида сарой тарихчиси ва шоири бўлган. Баъзи манбаларда асли Хамадонлик бўлган, баъзиларда эса асли Кешлик бўлиб, кейинчалик Хамадонга қўчиб ўтган. “Оташкадай Озарий”²⁰ асари муаллифи Озарийнинг таъкидлашича кейинчалик у Ҳиндистонга қўчиб келиб саройда шоирлик қила бошлаган. Калим “сұхбатдош” тахаллуси билан кўплаб шеърлар битган. Ҳукмдор амри билан Хурносонда саёхатда бўлган ва Макка ҳамда Мадинани зиёрат этган. Бир муддат яманлик ҳукмдор Жаъфар кутубхонасида фаолият олиб борган. Бу ерда у Темур тузукларининг туркий тилдан форс

¹⁶ Ўша жойда. – Б. 23.

¹⁷ Rieu Ch. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum. – London, 1888. – Р. 276-280.

¹⁸ Описание тюркских рукописей Института народов Азии (ОТРИНА) / АН СССР, институт востоковедения. – Москва: Наука, 1965. – Опись 75.

¹⁹ Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарки билан муносабатлари. – Т.: ЎзДавНашр, 1961. – Б. 27.

²⁰ Россия ФА шарқ қўлёзмалари институтида № 799.

тилига таржимасини амалга ошириди ва тахминан ҳижрий 1047/1637-1638 йилда Ҳиндистонга қайтиб мазкур таржимани Шохжаҳонга тақдим этган.²¹ Шохжаҳон асарни юқори баҳолаб, ўзининг сарой тарихчиси Муҳаммад Афзал Бухорийга уни таҳрир этиши учун топширган. Тахмин борки Англиядаги қўлёзма айнан Абу Толиб ал-Ҳусайнин томонидан Ҳуросондан Ҳиндистонга олиб келинган ва кейинчалик Англияга олиб кетилган.

Мазкур нусхани кўчириган хаттотнинг кимлиги номаълум. Зоро, асарда ҳам бу ҳақида ёзилмаган. Унинг қаерда кўчирилгани ҳам ноаниқ. Мавзулар, йиллар, исмлар, рақамлар, сарлавҳалар ҳамда миниатюралар – турли рангдаги сиёҳда ёзилган. Ҳар бир саҳифа тилла суви билан чегараланган. Хати – настаълиқ ёзувида амалга оширилган. Қўлёzmанинг бундай расмийлаштирилганидан уни Ҳон саройи кутубхонасиға маҳсус тайёрланганидан далолат беради ва тахминга кўра асар Абдуллахон II буёруғи билан амалга оширилган.

Чарлз Ръёning маълумотларига кўра қўлёзма қаттиқ шикастланган. Баъзи саҳифаларнинг ўрни алмашиб кетган. Кўп намиқган ва кўп ерларда нам доғлари қолган. Бир қанча миниатюралар бўялиб кетган.

Қўлёзма матни 148 саҳифадан иборат ва 116^a саҳифаси тоза, оппок. 58-саҳифа йўқолган.

Россия ФА шарқ қўлёзмалари институтидаги № В-745 рақамли нусха П.Лерх ўз коллекциясидан тақдим этган. Унинг 1858 йилдаги Бухоро ва Хивага бўлган саёхатида шарқ қўлёзмаларини топиш ва тўплаш билан машғул бўлган. Бухорода у айнан “Таварих-и гузидат – Нусратнома” асари нусхасини қўлга киритиб 1859 йилда уни Фанлар академияси Осиё музейига топширган.

Мазкур нусхада ҳам хаттот ва кўчирилган давр ҳақида маълумот йўқ. Палеографик маълумотларга кўра нусха XVI-XVII аср бошларига тааллуқли. Кодикологик тузилишига кўра Ҳиндистонда қўчирилган. 1^a саҳифасида учта шарқона муҳр туширилган бўлиб, биринчисида Шохжаҳоннинг камтарин қули Мирзо Мажид деб, иккинчисида Маҳмуд Шохжаҳон деб ва учинчисида эса 10 рупийга сотиб олинган деб ёзилган. Хулоса қилиб айиганда қўлёзма узоқ вақт хинdlар қўлида ва кейинчалик Ўрта Осиёлик савдогарлар уни 10 рупийга сотиб олиши орқали бизга етиб келган. Тахмин борки, Россия нусхаси Англия нусхасидан маҳсус буортма билан қўчирилган ва сотилган. Боиси ҳар икки нусханинг муқаддимаси билан хотимаси бир хилда. Фақат, ички тартиб бузилиб кетган. Эҳтимол, Россия нусхасини кўчириган хаттот эски ўзбек

²¹ Rieu Ch. Supplement to the Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum. Vol. I. – London, 1879. – P. 177-179.

тилидан яхши хабардор бўлмаган ва Ўрта Осиёда ҳам қўчирилмаган, чунки ундаги қўплаб жумлалар хато ёзилган, баъзи ҳолларда жумлаларни ўқиб ҳам бўлмайди, такрорланишлар кўп.

Кўлёзма матни 147 саҳифадан иборат ва 113^b, 114^a саҳифалари тоза, оппоқ. 54^b-55^a саҳифаси йўқолган.

ХУЛОСА

Юқоридаги тахлиллардан келиб чиқиб асар ҳақида қуидаги хulosаларга келинди:

- Россия нусхаси қўчирилишида хаттот томонидан сезиларли ёки атайин қилинган ўзгаришлар кузатилмайди. Барча хатолар жузъий арфографик хатолардир.

- Англия нусхасининг камчиликлариға қарамай бугунги кунда уни энг тўлиқ нусха деб айтиш мумкин. Шу боисдан тадқиқотчилар унинг билан ишлаш давомида Англия нусхасини бирламчи нусха сифатида фойдаланса мақсадга мувофиқ. Қолган нусхалар эса уни тўлдиришда хизмат қиласди.

- Асарнинг нусхалари ўртасидаги маълумотлар тахлилига кўра унинг муаллифи сифатида Муҳаммад Солихни қўрсатиш мумкин. Факат баъзи ҳолларда билвосита Шайбонийхонни аралашувини тахмин этиш мумкин.

- Асар Марказий Осийё халқлари тарихини ўрганишда хоҳ компеляция бўлсада қимматлидир. Зеро, тарихий маълумотларга турли шарҳлар ҳам қўшилган ва энг муҳими даврий қиёслаш учун ишончли манбалар сонини ортиради.

REFERENCES

1. Tursunmamatovich, B. S. (2021). Chig ‘atoy ulusi boshqaruvi legitimligida Islomning ahamiyati. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(5), 708-720.
2. Bekmuradov, S. T. (2021). Chig ‘atoy ulusida ilk boshqaruv shakli. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(Special Issue 2), 249-265.
3. Rieu Ch. Catalogue of the Turkish Manuscripts in the British Museum. – London, 1888. – P. 276-280.
4. Rieu Ch. Supplement to the Catalogue of the Persian Manuscripts in the British Museum. Vol. I. – London, 1879. – P. 177-179.

5. Salemann C. Das Asiatische Museum im Jahre 1890. Nebst Nachtraegen. "Melanges Asiatiques" tires du bulletin de l'Academie des Sciences de St.-Petersbourg, 1894. X, livraison 2. – P. 272-292.
6. Азимжонова С.А. К истории Ферганы второй половины XV в. / Акад. наук Узбек. ССР. Ин-т востоковедения. – Ташкент: Изд-во Акад. наук УзССР, 1957. – 94 с.
7. Акрамов А.М. Таварих-и гузида – Нусрат-наме: Сочинение анонимного автора XVI в.: Автореферат дис. на соискание учен. степени кандидата филол. наук / АН УзССР, Ин-т востоковедения им. Абу Райхана Бируни. – Ташкент: Наука, 1965. – 23 с.
8. Ахмедов Б.А. Государство кочевых узбеков / Акад. наук. СССР. Ин-т народов Азии. Акад. наук УзССР. Ин-т востоковедения. – Москва: Наука, 1965. – 195 с.
9. Бартольд В.В. Отчет о командировке в Туркестан // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Том пятнадцатый. 1902-1903. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1903. – С. 173-280.
10. Ибрагимов С.К. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков: (Извлечения из перс. и тюрк. сочинений) / Сост. С.К.Ибрагимов, Н.Н.Мингулов, К.А.Пищулина, В.П.Юдин; АН Каз. ССР. Ин-т истории, археологии и этнографии им. Ч.Ч.Валиханова. – Алма-Ата: Наука, 1969. – 651 с.
11. Материалы по истории казахских ханств XV-XVIII веков (извлечения из персидских и тюркских сочинений)/ ответственный редактор Б.Сулейменов. [Ч. 1]. – Алма-Ата, 1969.
12. Мукминова Р.Г. Борьба за Мавераннахр между тимуридами и шейбанидами: (К истории образования узбекского государства шейбанидов): Автореферат дис. на соискание учен. степ. канд. ист. наук / Р. Г. Мукминова; Акад. наук СССР. Ин-т востоковедения. – Ленинград, 1949. – 14 с.
13. Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. – Тошкент: ЎзДавНашр, 1961. – Б. 27.
14. Описание тюркских рукописей Института народов Азии (ОТРИНА) / АН СССР, институт востоковедения. – Москва: Наука, 1965. – Опись 75.
15. Таварих-и гузида-Нусрат-наме / Исследование, критический текст, аннотированное оглавление и таблица сводных оглавлений кандидата филол. наук А.М.Акрамова. – Т.: Фан, 1967. – 630 с.

-
16. Трепавлов В. В. Государственный строй Монгольской империи XIII в.: Проблема исторической преемственности. – Москва, 1993.
 17. Трепавлов В.В. История Ногайской Орды. – Москва: Издательская фирма “Восточная литература” РАН, 2002. – 752 с.
 18. تواریخ گزیده نصرت نامه – Россия ФА шарқ қўлёзмалари институти, № В-745. – 149^a